

MAIN DIRECTIONS FOR FINANCING THE INNOVATIVE ACTIVITY IN AGRICULTURE

Khushmatov Norkul Sadullaevich¹
Rustamova Iroda Bakhromovna²

¹ Professor of the Scientific Production Center of Agriculture and Food
Supply, doctor of economics

² Docent of Tashkent State Agrarian University, candidate of economic science
Uzbekistan, 100700, Tashkent, Kibray district, University street, 2

E-mail: irodarustamova@mail.ru

Abstract: This article presents the features of innovation processes in agriculture, as well as innovative directions for the development of agriculture. In particular, the authors provide an analysis of the dynamics of the volumes and costs of the production of innovative products in the country.

Keywords: innovation, management innovation, technological innovation, marketing innovation, organizational innovation, innovation technology, innovation process, innovative activity, innovation policy, innovation infrastructure, innovation directions.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Хушматов Норкул Саъдуллаевич¹
Рустамова Ирода Бахромовна²

¹ Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий ишлаб чиқариш
маркази профессори, и.ф.д.

² Тошкент давлат аграр университети доценти, и.ф.н.
Ўзбекистон, 100700, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2

E-mail: irodarustamova@mail.ru

Аннотация: Мақолада қишлоқ хўжалигида инновацион жараёнларни ўзига хос хусусиятлари, қишлоқ хўжалиги ривожланишининг инновацион йўналишлари келтирилган. Шунингдек муаллифлар томонидан республикамизда инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажми ва харажатлари динамикасини таҳлили, инновацияларни қишлоқ хўжалигида қўлланилиш соҳаси бўйича таснифлаш борасидаги фикрлар баён этилган.

Калит сўзлар: инновациялар, менежментда инновациялар, технологик инновациялар, маркетинг инновациялар, ташкилий инновациялар, инновацион технологиялар, инновацион жараён, инновацион фаолият, инновацион сиёсат, инновацион инфратузилма, инновацион йўналишлар.

Кириш

Мамлакатда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш ҳамда аҳоли ҳаёт даражаси ва фаровонлигининг барқарор ўсишига имкон берувчи фаол тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга,

инновацион технологияларни жорий этишга, инновацион фаолият ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. [1]

Аммо, айти пайтда қишлоқ хўжалиги илм-фан соҳасида яратилаётган илмий ишланмаларнинг аксарият қисми инновацион маҳсулот сифатида амалиётга жорий этилмасдан қолиб кетмоқда. Бунда энг аввало фермер ва деҳқон хўжаликларининг инновацион янгиликлардаги беҳабарлиги туфайли ва шунингдек яратилган илмий ишланмаларни фермер ва деҳқон хўжаликларига етказиб берувчи инфратузилма етишмаслиги сабаб бўлмоқда.

Инновацион ишланмалар аксарият ҳолларда ишлаб чиқариш талаб этаётган долзарб йўналишларда эмас балки, кўпчилик олимлар эътироф этаётган фаннинг долзарб йўналишларида яратилаётгани ҳам инновацион ғояларни амалиётга жорий этилишига тўсиқ бўлмоқда.

Мамлакат қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган инновациялар учун сарфланган маблағларнинг қопланиш муддати узоқ бўлиб, аҳамиятли даражадаги таваккалчиликка эга. Зероки тармоқнинг ўзига хос хусусиятлари: ишлаб чиқариш жараёнини табиий-иқлим шароитларига боғлиқлиги, ишлаб чиқариш циклининг узоқ давом этиши, капиталнинг айланиш тезлигини пастлиги, малакали кадрларнинг етишмаслиги, ишлаб чиқаришнинг кескин намоён бўладиган мавсумийлиги ҳамда тармоқнинг имтиёзли қарз маблағларига анча қарамлиги бунга тақозо этади. Ушбу омиллар мажмуи ҳозирда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи корхоналарда инновацион фаоллик суръатларининг пастлигига сабаб бўлмоқда.

Мазкур ҳолат қишлоқ хўжалиги субъектларида инновацион салоҳиятни оширишнинг илмий-назарий жиҳатлари бўйича тадқиқотлар олиб боришни муҳимлигидан далолат беради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Хорижий иқтисодчи олимларнинг фикрича инновация бу ғоя ва кашфиётларни амалий қўллаш орқали ўз хусусиятлари бўйича аввалгидан яхшироқ маҳсулот ва технология яратилиши учун шароит яратилиши ҳисобланади (Б.Санто) [4]. Ф.Никсон фикрича инновация бозорда янги ва яхшиланган саноат жараёнлари ва ускуналари пайдо бўлишига олиб келадиган техник, ишлаб чиқариш ва тижорат тадбирлари йиғиндиси ҳисобланади [3].

Аммо, бизнингча муаллифнинг фикрлари масалани тўлиқ ёритиб бермаган. Чунки инновациялар фақатгина саноат ишлаб чиқариши ва янги ускуналар пайдо бўлиши билан чегараланмаслиги лозим. Масалан, қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариши ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам инновациялар яратилади ва амалиётга етиб боради.

Инновацион жараёнлар билан боғлиқ муаммоларни биринчилардан бўлиб ўрганган олимлардан бири Й.Шумпетер - инновацион ўзгаришларни корхоналар нуқтаи назаридан баҳолаган ҳолда ишлаб чиқаришни янги техника ва технологик жараёнлар асосида таъминлаш эвазига бозорларга чиқиш, янги хусусиятларга эга бўлган маҳсулот турларини яратиш, янги хомашёлардан фойдаланиш, ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш ва янги инновацион товарлар билан янги истеъмол бозорларини очиш йўналишларига ажратган ҳолда тадқиқ этишни тавсия қилган [5].

Й.Шумпетернинг фикрларига қўшилган ҳолда, бу борада мунозарали ҳолат янги бозорларга чиқиш масаласи ҳисобланади. Аммо, инновацион ғоялардан фойдаланган ҳолда етиштирилган маҳсулот янги бозорда ёки эски бозорда сотилиши

инновацион жараёнларга салбий ёки ижобий таъсир этмаслиги мумкин. Шу жиҳатдан янги бозорларда сотиш масаласи инновацион ғоялардаги фойдаланишни чекламайди.

П. Друкер эса инновацияларни ривожлантиришни тадбиркорлик нуқтаи назаридан талқин этиб, тадбиркорларнинг инновацион қарашлари, фикрлаши бир-биридан фарқланиши, инновация жараёнларининг ривожланиши тадбиркорликнинг ихтисослашув йўналишларига боғлиқлигини таъқидлайди [2].

Бу борада П.Друкернинг фикрларига қўшилиш мумкин. Ҳақиқатдан ҳам инновацион ривожланиш тадбирларнинг ихтисослашувига боғлиқ бўлади. Айни пайтда инновацион фаолият тадбиркорнинг қобилиятига ва молиявий имкониятига боғлиқ бўлади.

Фикримизча, қишлоқ хўжалигидаги инновацион жараён инновация ёки инновацион жараён - бу илмий ишланмаларга асосланган муайян селекцион, агрокимёвий, техник ва технологик ғояларни янги навларга, гибридларга, қорамол зотларига, кимёвий ёки биологик препаратларга, технологиялар ва унинг айрим таркибий қисмларига айлантириш ва уларни бевосита ишлаб чиқаришда қўллашнинг ягона ва узлуксиз жараёндир.

Қишлоқ хўжалигидаги инновацион жараён - бу янги ёки яхшиланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ва уни қайта ишлаш маҳсулотларини, янги ёки такомиллашган ишлаб чиқариш технологиясини яратиш мақсадида, илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни амага ошириш, инновацияларни яратиш ва уларни бевосита ишлаб чиқаришда ўзлаштириш бўйича ўзаро боғлиқ элементлар (босқичлар, поғоналар, тадбирлар) бирор қонуниятга асосланган ва кетма-кет алмашинувчи тизимидир.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот объекти қишлоқ хўжалигида инновацион фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини, йўналишлари ва асосий босқичлари ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида инновацион, ресурс-тежамкор технологиялардан фойдаланишни такомиллаштириш, иқтисодий ҳодисаларни ўрганишда тизимли ёндашув, мамлакатимиз ва хорижий олимларнинг назарий қарашларини умумлаштириш асосида назарий ҳулосалар тайёрлаш методикаси бўлиб хизмат килади.

Таҳлил ва натижалар

Қишлоқ хўжалигида инновацион жараён хўжалик юритишнинг бошқа соҳаларига нисбатан ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга қуйдагилар киради.

- инновацияни жорий этиш ишлаб чиқишнинг узоқ давом этадиган жараёни (селекция ишлари) билан боғлиқлиги;

- инновацияларнинг кўп қисми яхшиловчи тавсифга эга бўлади (мутлақо янги нарсани ихтиро қилиш эмас, балки объектнинг ҳосилдорлигини, сифати ва унумдорлигини оширишга йўналтирилади);

- тирик организмлар (ўсимлик, хайвонлар, микроорганизмларни) ва уларнинг биологик салоҳияти билан боғлиқ ҳолда юз беради;


- илмий тадқиқот муассасалари етакчи роль ўйнайди;

- табиий зоналарга ва иқлим шароитларига боғлиқ ҳолда инновациялар турлича натижа беради.

Юқоридаги хусусиятлар туфайли қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятига инновацияларни жорий этишнинг учта асосий йўналишини ажратиш мумкин (1-расм):

- инсон омилини ривожлантиришга қаратилган инновациялар, таълим соҳасида юқори малакали илмий ходимларни тайёрлаш, ҳамда янгиликларни ишлаб чиқувчи илмий-тадқиқот муассасаларини устувор ривожланишида, инновациялар бўйича маълумотлар банки, ҳамда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига хизмат кўрсатадиган ахборот-маслаҳат хизмати яратилишини ўз ичига олади;

- биологик омилдан фойдаланишни яхшилашга қаратилган инновациялар, тупроқ унумдорлигини ошишини, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ва чорва моллари маҳсулдорлиги ўсишини таъминловчи янгиликларни ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш билан боғлиқ бўлади. Айнан биологик омилга қаратилган инновацияларнинг аҳамияти, иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига қараганда, қишлоқ хўжалиги ривожланишида инновацион ривожланишнинг ўзига хослигини ва аҳамиятини акс эттиради;



1-расм. Қишлоқ хўжалиги ривожланишининг инновацион йўналишлари.¹

- технологик тавсифга эга инновациялар, энергия ва ресурс тежовчи техника, илмий сиғимга эга технологияларни қўллаш асосида тармоқ техник-технологик салоҳияти такомиллашувини таъминлайди.

Инновацияларни технологик, маркетинг ва ташкилий инновация сифатида ва ўз навбатида технологик инновацион маҳсулотли ва жараёнли инновацияларга бўлиш мумкин.

-технологик жиҳатдан янги ёки такомиллаштирилган инновацион маҳсулотни ишлаб чиқиш ва жорий этишга йўналтирилган маҳсулотли инновация;

-технологик жиҳатдан янги ёки такомиллаштирилган ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки таълим услубларини, шу жумладан инновацион маҳсулотни узатиш услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга йўналтирилган жараёнли инновация;

-маҳсулотларнинг дизайни ва қадоғидаги ўзгаришларни, сотувнинг янги услубларини ҳамда маҳсулотнинг тақдимотини, янги нарх стратегияларини шакллантиришни қамраб олувчи янги ёки такомиллаштирилган маркетинг услубларини рўёбга чиқаришга йўналтирилган маркетингли инновация;

-бизнесни юритиш, таълим, иш ўринларини ва ташқи алоқаларни, шунингдек, ташкилотда бизнес жараёнларини такомиллаштиришни янги услубларини рўёбга чиқаришга йўналтирилган ташкилий инновация сифатида талқин қилиш мумкин.

Айни пайтда инновацияларни қишлоқ хўжалигида қўлланиши бўйича қўйидагича таснифлаш мумкин (2-расм).

¹ Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган



2-расм. Инновацияларни қишлоқ хўжалигида қўлланилиш соҳаси бўйича таснифлаш²

² Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган

Бошқа тармоқлардан фарқ қилган ҳолда аграр соҳада инновация секинроқ рўй беради, шу боисдан у алоҳида эътиборни талаб қилади. Энг кенг тарқалган инновациялар сифатида: ўсимликларнинг янги навлари ва гибридлари, чорва моллари зотлари, микроорганизмларнинг штаммлари, қишлоқ хўжалиги техникасининг маркалари ва модификациялари, кимёвий ва биологик препаратлар, иқтисодий ишланмаларни (усуллар, механизмлар, турли тавсиялар ва х.к) кўрсатиб ўтиш мумкин.

Энг узоқ давом этадиган жараён инновацияларни яратиш жараёнидир. Фундаментал ва амалий тадқиқотларни ўтказиш муайян даражада қониқарсиз натижа олиш таҳликаси билан ҳам боғлиқ бўлсада, илмий техник маҳсулотни яратиш жараёнидаги зарур босқич ҳисобланади.

Илмий ишланма фақат синовдан ўтиб, оммавий ишлаб чиқаришга жорий этилганидан кейингина инновацияга айланади. Масалан қишлоқ хўжалиги экинлари селекциясида илмий тадқиқотлар натижалари илмий ишнинг ҳар бир алоҳида йўналишини молиялаштириш бошланишидан 15-20 йил ўтгач, чорва моллари зотлари селекцияда эса 30-40 йилдан кейин иқтисодий самара берувчи босқичга ўтиши мумкин. Олинган дастлабки илмий натижаларни синовдан ўтказиш ва текширишни илмий муассасалар, махсус давлат муассасалари ва ташкилотлар амалга оширади.

Қишлоқ хўжалигида селекцион ютуқлар асосан илмий-тадқиқот институтларида амалга оширилади. Қишлоқ хўжалиги экинларининг янги нав ва гибридлари яратилади. Ҳусусан:

- илмий-тадқиқот муассасалари наслчилик заводлари чорва моллари зотлари линияларини яратиш устида тадқиқотлар олиб борилади;
- машиносозлик корхоналарида янги техникани серияли ишлаб чиқариши йўлга қўйилади;
- биологик лабораторияларда ўсимликларни хашоратлардан ҳимоялашда энтомафағларни кўпайтириш усулларини ўзлаштиради.

Бозор шароитида янги инновацион ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ёки янги ғояларни инновацияларга айлантириш асосан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг тижорат манфаатларига эришиш мақсадидаги ташаббуси бўйича амалга оширилади.

Инновацион ишланмалар яратишга қаратилган илмий тадқиқотлар мақсадли молиялаштиришни ва давлатнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини талаб қилади. Чунки инновацияларнинг иқтисодий самарадорлиги ва ишлаб чиқарувчини ўзига жалб қилувчи хусусияти, унинг кенг жорий этилишини белгилаб беради.

Қишлоқ хўжалиги техникаси, ўсимликлар навининг уруғларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини импорт қилиш, бу борадаги ички инновацион фаолиятни молиявий қўллаб-қувватлаш каби тадбирлар замонавий техника ва технологияларни жорий этишни рағбатлантиради.

Мамлакатимизда илмий ва илмий-техникавий фаолиятни амалга ошириш, илмий-техникавий ва инновацион ривожланишни таъминлаш учун қулай шарт-шароитлар яратишда мавжуд молиявий ва моддий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажми ва харажатлари динамикаси 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажми ва харажатлари динамикаси [6]

млн.сўм

Йиллар	Ўз кучи билан ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажми-жами	Шу жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	Салмоғи %	Технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга харажатлар-жами	Шу жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	Салмоғи %
2012 йил	3635933,2	1443,3	0,04	311879,9	942,7	0,30
2013 йил	4614656,2	6488,1	0,14	4634230,1	3988,2	0,09
2014 йил	7042964,5	33912	0,48	3757372,2	1841,9	0,05
2015 йил	8023628,5	16106	0,20	5528278,7	1775,3	0,03
2016 йил	10688246	35520	0,33	2571405,6	8144,3	0,32
2017 йил	18543331	47941	0,26	4162263,7	15685	0,38

Республикада ўз кучи билан ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажми, шу жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги бўйича 2012 йилда 0,04 фоиз (1443,3 млн.сўм), 2013 йилда 0,14 фоиз (6488,1 млн.сўм), 2014 йилда 0,48 фоиз (33912,1 млн.сўм), 2015 йилда 0,20 фоиз (16105,8 млн.сўм), 2016 йилда 0,33 фоиз (35520,3 млн.сўм), 2017 йилда 0,26 фоиз (47941,3 млн.сўм)ни ташкил этган. Технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга харажатлар, шу жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги бўйича 0,30 фоиз (942,7 млн.сўм), 2013 йилда 0,09 фоиз (3988,2 млн.сўм), 2014 йилда 0,05 фоиз (1841,9 млн.сўм), 2015 йилда 0,03 фоиз (1775,3 млн.сўм), 2016 йилда 0,32 фоиз (8144,3 млн.сўм), 2017 йилда 0,38 фоиз (15684,6 млн.сўм)ни ташкил этган.

2-жадвалда 2012-2017 йилларда республика ҳудудлари бўйича ўз кучи билан ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажмини кўриш мумкин.

2-жадвал маълумотларига кўра, 2012 йил мамлакатимизда жами 3635,9 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган бўлиб, бу миқдор йилдан-йилга ўсиб борган ва 2017 йилга келиб 18543,3 млрд. сўмни ташкил қилган [6].

Қорақалпоғистон Республикасида таҳлил йиллар давомида инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажми 12,3 млрд. сўмдан 3923,44 млрд. сўмгача ўзгарган.

Вилоятлар кесимида қарайдиган бўлсак, (2-жадвал) 2012 йилда энг кам инновацион маҳсулотлар Наманган вилоятига (0,98 млрд.сўм), энг кўпи эса Андижон вилоятига (2820,6 млрд. сўм) тўғри келади. Бу рақамлар йилдан йилга ўсиб боришини ҳам кузатиш мумкин. Биргина Тошкент шаҳрини оладиган бўлсак, бу ерда 2012 йилда 293,8 млрд.сўмлик инновацион маҳсулот ва хизматлар таклиф этилган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткич 7167,6 млрд.сўмни ташкил этган, яъни 6 йил давомида қарийб 24 баробарга ўсган.

2012-2017 йилларда ҳудудлар бўйича ўз кучи билан ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажми [6]

млрд. сўм

	2012 й	2013 й	2014 й	2015 й	2016 й	2017 й
Ўзбекистон Республикаси	3635,9	4614,7	7042,9	8023,6	10688,2	18543,3
Қорақалпоғистон Республикаси	12,3	22,3	41,5	184,7	1957,2	3923,4
вилоятлар:						
Андижон	2820,6	2061,3	3706,0	1681,3	885,9	3765,6
Бухоро	16,4	52,6	81,8	65,1	77,2	76,6
Жиззах	48,1	73,2	32,4	120,6	68,5	187,9
Қашқадарё	2,8	6,9	14,8	11,2	203,6	142,3
Навий	81,1	92,6	64,4	85,4	77,1	284,9
Наманган	0,98	39,8	122,3	213,7	161,6	234,9
Самарқанд	2,8	277,9	381,2	701,5	638,2	786,7
Сурхондарё	13,8	5,6	19,8	32,6	42,5	79,8
Сирдарё	109,5	81,2	66,2	122,4	97,9	162,7
Тошкент	219,4	409,3	443,1	800,4	993,7	1179,5
Фарғона	13,3	28,4	48,3	104,9	282,2	412,4
Хоразм	1,01	13,7	32,5	80,3	70,9	138,6
Тошкент ш.	293,8	1476,8	1988,6	3719,4	5131,9	7167,6

Шунингдек, бошқа вилоятларда ҳам инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ортган.

Бу эса республикамизда янги, инновацион ғоя асосида маҳсулот, иш ва хизматларни таклиф этиш борасидаги ижобий ўзгаришларни жадал юз бераётганини билдиради.

Хулоса ва таклифлар

Қишлоқ хўжалигида инновацион бозорни шакллантиришда инновацияларга бўлган талабни ўрганиш, инновацион ишланмалар, маркетинги ва илмий тадқиқотларга буюртмалар шакллантириш масаласи замон талабларидан ортда қолмоқда.

Инновацион лойиҳалар иқтисодий экспертизаси, жорий қилишнинг самарадорлик кўрсаткичлари ва таваккалчилик даражаси, олинган натижаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш босқичларини асослашга етарли эътибор берилмайди. Натижада илмий-техник ишланмалар, ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун тайёр бўлган инновацион ғоялар маҳсулотга айланмасдан қолади.

Шунингдек қишлоқ хўжалигида инновацион фаолиятни фаоллаштиришда – инновацион жараёнларни ишга туширадиган, зарурий инфратузилма ва механизмларни ривожлантириш зарурати жуда юқори. Қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантиришда инвестицияларни кўпроқ жалб қилиш учун давлат-хусусий шерикчилиги имкониятларидан кенг фойдаланиш лозим;

- қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш иқтисодий самарадорлигини оширишга қўйилган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги, самарали навлари, уларни парваришлаш агротехнологияларини амалиётга жорий этиш билан шуғулланувчи алоҳида субъектларга ўз ичига олувчи инфратузилма субъектларини ривожлантириш;

- балиқчилик, асаларичилик соҳаларини ривожлантиришда фермер ва деҳқон хўжаликларида кичик ҳажмли, замонавий технологияларни кенгроқ жорий этишга қаратилган илмий ишланмаларни қўшимча равишда манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан рағбатлантириб бориш;

- аграр соҳанинг экспорт салоҳиятини оширишга имкон берувчи ноананавий қишлоқ хўжалиги экинлари навларини яратиш, жорий қилиш, уларни парваришлашнинг интенсив агротехник тадбирларини яратишга қаратилган инновацион ишланмаларни кенгайтириб боришни ҳисобга олган ҳолда тадбирларни йўлга қўйиш.

Қишлоқ хўжалигида инновацион фаолиятни ривожлантириш борасида қуйидаги хулосаларни келтириш мақсадга мувофиқдир:

- илм-фан, таълим ва ишлаб-чиқаришнинг интеграциясини таъминлаш борасида замонавий қишлоқ хўжалиги билимларини тарғиб қилишнинг ягона тизимини шакллантириш;

- қишлоқ хўжалиги соҳасида инновацион технологиялар ва илфур маҳаллий ҳамда хорижий тажрибалар тўғрисида маълумотлар базасини яратиш;

- инновацион технологиялар ҳамда илм-фан ютуқларини қишлоқ хўжалигини қўйи даражага етиб боришида кўприк вазифасини ўтайдиган қишлоқ хўжалиги ахборот-маслаҳат марказларини ҳар бир туманда ташкил этиш.

References

1. Arutyunov, YU.A. Formirovanie regionalnoy innovatsionnoy sistemiy na osnove klasternoy modeli ekonomiki regiona [Elektronniyy resurs] / YU.A. Arutyunov. – Rejim dostupa: <http://koet.syktsu.ru/vestnik/2008/2008-4/1/1.htm>

2. Alpatov A.A. Gosudarstvenno-chastnoe partnerstvo: Mexanizmiy realizatsii [Tekst] / A.A. Alpatov, A.V. Pushkin, R.M. Djaparidze. – M.: Альпина Pablisher, 2010. – 198s.

3. Belenov O. N., Smolyaninova T. YU., SHurchkova YU. V. Industrialniye parki: sushnost i osnovniye xarakteristiki // Regionalnaya ekonomika i upravlenie. Elektronniy nauchniy jurnal. 2013. № 1 (33). S. 66-76.

4. Berkovich M. I., Antipina N. I. Osobennosti i klassifikatsiya industrialnyx parkov: regionalnyy aspekt // Vestnik Kostromskogo gosudarstvennogo texnologicheskogo universiteta. Seriya “Ekonomicheskie nauki”, 2013.- № 1(3). - S. 25-28.

5. Salimov B.B. Sanoat maxsuloti ishlab chiqarishning hududlar bo'yicha qiyosiy tahlili vauni rivojlantirishning ustuvor yo'nalishlari. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar”, ilmiy elektron jurnal, №3, May-iyun, 2018y.

6. SHuvarinskiy I.V. Industrialniye parki-element sovremennoy promiyshlennoy infrastrukturiy. Formirovanie industrialnyx parkov, KPI Key Partner & Intesco. www.keypartner.ru